

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 2-noyabr • Payshanba • 130 (27.621) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 ноябрь куни Оксаройда Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайерни қабул қилди.

— Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари оид масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислам Каримов. — Биз Германия билан ривожланиб бораётган ўзаро муносабатларни, жумладан, иқтисодий алоқаларни қадрига етказиб, ўзаро савдо ҳажми ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Маълумки, Германия Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича сиёсатининг янги концепциясини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиққан. Бу концепция Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган.

Германия ташқи ишлар вазири Марказий Осиё тинчлиги ва барқарорлигига таҳдидлар мавжудлигини, Афғонистон муаммоси ҳамда Эроннинг ядровий дастури билан боғлиқ масалалар хавфсизлик борасида ЕИнинг умумқилишилган

сиёсат юритишини тақозо қилишни кайд этди.

— Бу умумий мақсад йўлида биз биргаликда саяё-ҳаракат қилмоғимиз лозим, — деди Франк-Вальтер Штайнмайер.

Бундай ҳамкорликни кенгайтиришда Ўзбекистон ва Германия муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 2005 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 326 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондаги қўлай сармоявий муҳит, улкан иқтисодий имкониятлар Германиялик ишбилармонларнинг юртимизга қизиқишини оширмоқда. Жорий йилнинг ўзида Немис иқтисодиёти шарқий қўмитаси раиси Клаус Мангольд раҳбарлигида йирик ишбилармонлар делегацияси бир неча бор мамлакатимизга ташриф буюриб, пойтахтимиз ва вилоятларда бизнес-форумлар, янги сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзаси-

дан музокаралар ўтказди.

Франк-Вальтер Штайнмайерга ҳам «Fresenius medical care», «Siemens», «MAN Ferrostaal» каби компанияларнинг раҳбарлари ҳамроҳлик қилмоқда. Улар иштирокида Бухорода бизнес-форум ўтказиб режалаштирилган. Икки давлат ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида халқаро муаммолар юзасидан маслаҳатлашувлар олиб бораётди, ташқи сиёсат маҳкамаларининг ўзаро мулоқотлари мунтазамлик касб этган. Жумладан, жорий йил июль ойида ГФР Ташқи ишлар вазирининг давлат вазири Гернот Эрлер Ўзбекистонда бўлди.

Оксаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кенг қамровли алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига



Хоразм Маъмун академиясининг умумий кўриниши

АМАЛИЙ ИШЛАР САРИ ҚАДАМ

Шу кунларда юртимиз байрамлар оғушида яшамоқда. Кун кеча халқимиз Қариш шаҳрининг 2700 йиллик тўйини кўтаринки руҳда нишонлаган бўлса, бугун яна бир қадимий маскан — Хива шаҳри Маъмун академиясининг минг йиллик юбилей тантаналари арафасида турибди.

Бундан салкам ўн йил муқаддам, 1997 йилда Президентимиз ташаббуси билан Хоразм Маъмун академияси қайтадан ташкил этилган эди. Ҳўш, бу илм масканида ўтган давр мобайнида қандай тадқиқотлар олиб борилди, қайси мавзулардаги илмий изланишлар маромига етказилди. Умуман, академиянинг бугунги фаолиятида нималар кўзга ташланмоқда? Мухбиримиз Хоразм Маъмун академияси раиси ўринбосари, профессор Каримжон САФАРОВ билан шулар ҳақида суҳбатлашди.



Генетик таҳлил лабораторияси (ўнгдан) катта илмий ходими Раим Қутлимуратов ва Дилором Аннамуратова.

— 1997 йилнинг ноябрь ойида Хоразм Маъмун академияси тарихида «Археология, тарих ва фалсафа», «Тил ва адабиёт», «Биология муаммолари» бўлиmlари ташкил қилиниб, дастлаб 9 та мавзу бўйича 26 нафар илмий ходим, шу жумладан, беш нафар фан доктори ва 9 нафар фан номзодлари тадқиқотларга киришгандилар. Ижтимоий йўналишда

«IX-XIII асрларда Мовароуннахр ва Хоразмдаги адабий-илмий муҳит», Исмоил Журхонийнинг «Захираи Хоразмишоҳий» асари ва унинг Марказий Осиёда таъботати ўрганишдаги аҳамияти», «Кальяхик қалъасининг археологик тадқиқоти» каби мавзуларда чуқур илмий изланишлар олиб борилди.

Этиборлиси, биз қадимда Маъмун академиясининг қан-

дай ташкил топгани, унда фаолият кўрсатган улўз сиймолар, яратилган асарлар борасида ҳам кенг кўламли тадқиқотлар олиб бордик. Шунингдек, табиий фанлар йўналишидаги ишларни янада кўпайтириб, ерларнинг тузилишини ўрганишга жиддий эътибор қаратилди. Олимларимизнинг изланишлари ўларок, турли минтақалардан келтирилган

ўттиз турга яқин дуккакли ҳамда дон, полиз, сабзавот ва техник экинларнинг 136 нави академиянинг таҳриба дала-ларига экилди. Қувонарлиси шундаки, биз маҳаллий тўроқ ва муҳитга мослашишни ўрганиб тавсия қилган навлар кўп жойларга экилди ва бу саяё-ҳаракатларимиз тез фурсатда ўз самарасини кўрсатди. Сув танқислиги рўй берган ўтган

йилларда тўроқнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва шароитга чидамли экин навларини кенг майдонларда экиш натижасида биригина 2001 йилда олинган йил-ли иқтисодий самара бир миллиард 776 миллион сўмни ташкил қилди.

2-бет

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Япония ҳукумати раҳбарлик қилган кезларимда кўрсатилган илтифот ва ҳамкорлик учун Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда мамлакатингиз ҳукуматининг барча масъул шахсларига чин қалбдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Жорий йилнинг августидан мен, Япония Бош вазири сифатида илк бор Ўзбекистонга расмий ташриф буюрдим ва Сиз, Жаноби Олийлари билан сермазмун суҳбат қуриш бахтига муассар бўлдим. Ташриф чоғида менга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун Сизга самимий ташаккур билдиришни истар эдим.

Ишончим комилки, ташриф натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланиши учун истиқболда катта имкониятлар яратди. Мен Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва ҳамкорликни кенгайтириш учун бундан буён ҳам бор куч-гайратимни аямайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон халқига раванк ва фаровонлик тилашга ижозат этгайсиз.

Эҳтиром билан,
Жунъичиро КОИДЗУМИ,
Япониянинг соғиқ Бош вазири

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ЮНИСЕФнинг (БМТ Болалар жағмагисини) Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича минтақавий директор Мария Каливис хоним раҳбарлигидаги делегация 1 ноябрь куни қатор вазирилик ва идораларда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова билан мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЮНИСЕФ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид маса-

лалар муҳокама қилинди. Ўзбекистонда оила, она ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш Президент Ислам Каримов юриятдан давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан эканлиги алоҳида таъкидланди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Она ва бола» ҳамда «Соғлом авлод» дастурлари изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

М.Каливис Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш, соғлиқни сақлаш ва таълимни мустаҳкамлаш улкан ютуқлар кўлга киритилётганини алоҳида таъкидлади. Дунёнинг кўпгина давлатлари бу борада Ўзбекистондан ибрат оلسа арзийди, деди ЮНИСЕФ вакили.

ЮНИСЕФ делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирилик ва идораларида музокаралар ўтказди. Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти билан танишди.
Орифжон ТУРОПОВ,
ЎзА мухбири

ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан кўплаб халқаро ташкилотлардан, жаҳоннинг таниқли фан ва маданият арбобларидан табрик мактублари келмоқда

Давлатимиз раҳбарининг «Биз қимми, қандай улўз аждодларнинг ворисларимиз» деган савол ҳар бир кишини ўйлантирмоғи лозимлиги ҳақидаги давлати хаётида ўзининг амалий тасдиқини топмоқда. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги кенг микёсда нишонланган бўлса, бу муносабат билан юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳам бу фикрнинг ёрқин далили бўла олади.

Бугун юртимизда ва жаҳон микёсида кенг нишонланган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйи муносабати билан кўплаб халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий ўқув юрталари раҳбарларидан қизгин ва самимий табриклар келмоқда.

Уларда давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳбарлигида инсоният цивилизациясининг энг қадимий ўқуқларидан бири бўлиши Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бир неча минг йиллик маданий обидалар, ёдгорликлар, осори атиқаларни қайта тиклаш, уларга иккинчи умр бахш этиш, энг муҳими, ёш авлодни мана шу буюк меросга садоқатли ворислар этиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган тарихий ишларга юксак баҳо ва самимий эътироф акс этган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига йўлланган табригида Ислам конференцияси ташкилоти Бош котиби Акмалиддин Эҳсон ўли қуйидагиларни ёзди: «Ислам конференцияси ташкило-

ти Сизнинг ўзбек халқининг нодир миллий қадриятларини тиклаш, бой илмий-маърифий, маданий ва маънавий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб қилиш борасидаги саяё-ҳаракатларингизни юқори баҳолайди.

Дарҳақиқат, қадим Хоразм диёрдан етишиб чиққан маърифат юлдузлари — Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, аз-Замашарий, Наҳиддин Кубро сингари буюк олим ва мутафаккирлар ислом цивилизацияси ривож ва жаҳон илм-фани тараққиётига беқиёс хисса қўшганликларини дунё афқор оммаси эътироф этади».

М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори академик В.Садовничийнинг давлатимиз раҳбари номига йўллаган мактубида, жумладан, бундай сатрлар бор:

«Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан хиссаси, бугунги кунда ёш авлодни миллий гурур ва ўз мамлақати тарихига чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш ишдаги аҳамияти беқиёсдир. Мазкур академия минтақда илм-фанни ривожлантириш билан бирга давлатларнинг ўзаро маданий алоқаларини, турли динга мансуб халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш борасида тарих саҳифаларида чуқур из қолдирди. Сизнинг ташаббусингиз билан қайта тиклан-

ган ушбу илм даргоҳи бугунги кунда бутун дунёда маданият ва тараққиётнинг олий мақсадларини тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Хурматли Ислам Абдуғаниевич, ушбу унутилмас кунда Сизга Ўзбекистон Республикасининг раванки ва халқининг фаровонлиги йўлидаги улкан ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар, Хоразм Маъмун академияси жамоасига эса илм-фан ва таълимни янада ривожлантиришда улкан ютуқлар тилайман».

Мисрдаги «Ал-Азхар» илмий мажмуаси раҳбари Шайх Мухаммад Саййид Тантовий ўз табригида қуйидагиларни таъкидлайди:

«Сизнинг ташаббусингиз ва ҳар томонлама кўлаб-қувватлашингиз натижасида қайта тикланган мазкур тарихий илмий марказ — Хоразм Маъмун академияси бамисоли ўтмиш ва келажакни боғлаб турувчи робитадир. Биз ушбу илм даргоҳи мисолида Ўзбекистонда илм-фан, маданият ва таълим соҳаларига берилаётган улкан эътиборнинг яққол исботини кўрамыз. 1000 йиллик юбилейининг кенг нишонланиши эса унинг дунёда катта аҳамиятга эга эканлигиндан яна бир далилатдир».

«Корея — Ўзбекистон жамияти» раиси Ким Юн Сок ўзининг самимий эътирофини қуйидаги сўзлар билан ифода этган: «Иқтисодийнинг юксалишида, айниқса, таълим муҳим ўрин тутди. Шу муносабат билан Ўзбекистон

Президенти жаноб Ислам Каримовга таълим сифатини ошириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида аҳамият бераётгани учун ўз миннатдорлигини изҳор этмоқчиман. Меннинг ўзбек миллатининг келажакки порлоқ эканига ишончим комил. Дунёга Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк аллома ва мутафаккирларни берган бу халқ бугун жаҳоннинг илм-фан бешикларидан бири ҳисобланган Маъмун академияси таъсис этилганининг 1000 йиллигини кенг нишонламоқда.

Агар Ибн Сино бўлмаганда Фарб тиббиёти бугунги тараққиётга эриша олмасди. Бундан ташқари, «0» рақамини кашф этган ал-Хоразмий бўлмаганда математика ва физика фанлари бугунги даражага кўтарилмаган эди».

«Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш» Франция ассоциацияси Президенти Люсьен Керен ва Бош котиби Фредерик Брессаннинг Юрбошимизга йўллаган табрик мактубидан қуйидагиларни ўқиймиз:

«Биз ассоциациямиз номидан Буюк Ипак йўлида жойлашган Хива шаҳрида ЮНЕСКО шафёлигида ўз юбилейини нишонлаётган, инсон дунёни англаши учун янада кенг йўл очигиша хизмат қиладиган гоғларни тарғиб этиб келган Хоразм Маъмун академияси жамоасини чин кўнглидан табриклаймиз.

2-бет

O'zbekiston havo yo'li
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzspb.uz e-mail: info@uzspb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Bijra@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОҚЛИГИНГIZ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

● **Хуқуқий ислоҳот**

МАЪНАВИЙ ЗАРАР ВА ЖАВОБГАРЛИК

Кундалик ҳаётда «маънавий зарар» деган иборага дуч келамиз. Хўш, «маънавий зарар» нима, унга нисбатан жавобгарлик масаласи қандай ҳал қилинади?

Фуқаролик ҳуқуқида «зарар» деганда ҳуқуқ нормалари билан кўриқландиған ҳар қандай моддий ёки номоддий бойликлар назарда тутилади. Маънавий зарар тушунчаси таърифи ҳозирги Фуқаролик кодексидagina мавжуд, лекин маънавий зарар етказилиши ва унинг учун ҳуқуқий жавобгарликлар тўғрисида бошқа кўпла ҳуқуқ соҳаларида (Жиноят ҳуқуқи, Маъмурий ҳуқуқ, Оила ҳуқуқи, Меҳнат ҳуқуқи ва бошқалар) эслатиб ўтилади.

Қонунийлик ақларида маънавий зарар етказиш деганда нафақат номулкий шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг поймол этилиши, балки шахсга жисмоний ёки руҳий азоб берилиши, унинг ўзини ноқулай ҳис этиши ҳам назарда тутилади. Фуқаролик, шунингдек, жиноят ҳуқуқида ҳам маънавий зарар учун жавобгарлик бевоқифа айбдор деб топилган шахсга нисбатан қўлланилади.

Меҳнат муносабатларида ходимга етказилган моддий зараргина эмас, балки унга етказилган маънавий зарар (яъни жабрланувчига қарши содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (харакатсизлиги) оқибатида у бошидан кечирган маъна-

вий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғрик, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунлиди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 187-моддаси, 2-қисмида маънавий зарар ҳақида кўйилган қўрсаткичларни кўриб ўтиш: «Маънавий зарар (жисмоний ва руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасида келишувга мувофиқ равишда, ходим меҳнат вафот қилганда вафот этган тақдирда эса иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасида келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қўлланилади. Маънавий зарарни қоплаш юзасидан низо келиб чиққан тақдирда бу масала судда кўриб чиқилади».

Маънавий зарар институти фуқароларга нисбатан ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклашни талаб қилиш имкониятидир.

«Маънавий зарар — бу жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (харакатсизлиги) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган)

маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғрик, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунлиди. Ушбу тушунча Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги қароридан ўз аксини топган. Бошқа манбаларда маънавий зарар тушунчаси аниқ кўрсатилмаган. Шу боис ҳам маънавий зарар тушунчаси борасида конкрет критериялар ишлаб чиқиш зарурати келганлигини кўрсатмоқда.

Фуқаролик ҳуқуқий жиҳатларига тўхталиб ўтганимиз бўлса, Фуқаролик кодексининг 1021-1022-моддаларида маънавий зарарни қоплаш, уларнинг миқдорини ҳисоблаш тартиби белгиланган, холос. Ваҳоланки, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар жуда кенг. Шу боис, аввало, маънавий зарар тушунчаси белгиланиши лозим, деб ўйлаймиз.

Суд ишчи мазмунан кўриб хал қилиш чоғида жабрланувчига жисмоний ва руҳий азоб етказилганлиги факти, унинг нима билан тасдиқланиши, у қандай ҳолатда ва қандай ҳаракатлар билан содир этилганлиги, зарар етказувчи айби даражаси, зарар қандай миқдор-

да ва нималарга кўра белгиланиши, нисбати хал қилишлик учун зарур бўлган бошқа аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш талаб этилади.

Масалан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Ўрта-чирик туманлараро судининг 2003 йил 2 апрелдаги даъвогар Б.Йўлдошевнинг жавобгар — Бўка тумани электр тармоқлари корхонасига нисбатан ишга тиклаш ва маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвосини кўриб чиқар экан, жавобгар томон байриқонуний ишдан бўшатилиш орқали маънавий зарар етказилганлиги фактини аниқлади ва жавобгардан даъвогар фойдасига 300 миң сўм маънавий зарар ундиришга қарор қилди.

Суд ходимга етказилган маънавий зарарни қоплаш мажбуриятини иш берувчига юклаши мумкин. Иш берувчига бундай маънавий зарарни қоплаб бериш мажбуриятини асоссиз интизомий жазо қўлланилиши, бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги ходимнинг илтимоси байриқонуний рад этилиши, ишдан байриқонуний четлаштирилганлиги, меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаганлиги, нотўғри расмийлаш-

тирилганлиги, иш ҳақини нотўғри ҳисоблаш, ўз вақтида бермаслик, ноқонуний ушлаб қолиш каби ҳоллар учун ҳам юклатилиши мумкин.

Жиноят содир этилиши жараёнида маънавий зарар кўрган ходим жиноят ишини тергов қилиш ёки судда кўриш чоғида маънавий зарарни қоплаб берилиши ҳақида фуқаролик даъвоси кўзгаши мумкин. Шунингдек, унга агар судда даъво кўзга-тилган бўлса, умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судларга ўзлари истаган пайтда мувожабат қилиш ҳуқуқи берилади.

Маънавий зарар етказилиши билан боғлиқ бўлган фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётини ўрганиш шунини кўрсатадики, бугунги кунда меҳнат низолари тарихида маънавий зарарни қоплашга оид талабларга тобора катта эътибор берилмоқда ва бу ҳол фуқаролар ҳуқуқий маданияти ҳамда фаолияти ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Хайрулло СОБИРОВ,
Адлия вазирлиги
Кадрлар бошқармаси
етакчи масlahatchиси

«МАЛАЙЗИЯГА ТАШРИФ ЙИЛИ»



2007 йилда Малайзия ўз мустақиллигининг 50 йиллигини кенг нишонлайди. Мамлакатда ушбу шонли санани дунё билан баҳам қилиш мақсадида ушбу йил «Малайзияга ташриф йили» деб эълон қилинди. Бундан асосий мақсад мамлакатга сайёҳларни жалб этиш.

— Мамлакатимизга келаётган ҳар бир меҳмондан бошимиз кўкка етади, — дейди Малайзия туризм вазири Датук Сери Тенгу Андан Тенгу Мансор Тошкентдаги халқаро туристик ярмаркада бўлган чоғида. — Замонавий сайёҳлик тармоғимиз тарихи 1959 йилдан бошланган. Ушанда Савдо-сотик ва саноат вазирлиги қошида туризм бўйича департамент ташкил этилган. Мамлакатимиз ривожига у муҳим ўрин тутганлиги боис 2004 йилда туризм вазирлиги ташкил этилди.

Алишер РҲЗИЕВ



МУХОЛИФАТ БИЛАН МУЗОКАРА

Қирғизистон президенти Қурманбек Бакиев Бишкекда мухолифатдаги «Ислохотлар учун» ҳаракатининг етакчилари билан музокаралар ўтказди. Бирок, мухолифатчиларнинг айтишларича, бу музокарада қандай тўхтамга келинганидан қатъи назар, бугун мамлакат пойтахтида мухолифатчилар илгари сурган талаблари қўллаб-қувватловчиларнинг митинги ўтказилди, дейилди «Интерфакс» ахборот агентлиги тарқатган хабарда.



Маълумотларга қараганда, мухолифатчилар мамлакатда конституциявий ислохотлар ўтказилишини, аниқроғи, парламент давлат бошқаруви жорий этилишини талаб қилишмоқда. Аммо Қирғизистон президенти бундай талабга рози эмас.

Ушбу музокаралар (эрталаб, кундузи ва кечкурун) президент ташаббуси билан ўтказилди. Шу пайтгача музокара ўтказишга ҳаракат қилинган, лекин уринишлар самарасиз аяқланган.

Музокарада президентдан ташқари бош вазир Феликс Кулов, президент маъмурияти раҳбари Миктибек Абдилдаев, давлат котиби Адахан Мадмураев ҳамда мухолифат томонидан «Ислохотлар учун» ҳаракатининг ҳамраси, парламент депутаты Ҳайрулло Текибаев ва бошқа депутатлар Азимбек Бекназаров, Темир Сариев, Мелис Эшимхоновлар иштирок этдилар.

ҚАДИМИЙ ОБИДАНИ ҚАЙТАРИБ ОЛМОҚЧИ...



Грузия маъмурияти Озарбайжон ҳудудида жойлашган грузинларга тааллуқли Давид Гарежи қадимий обидасини Грузия ҳудудининг маълум қисмига алмаштириш таклифи билан чиқмоқда. Айнан шу мақсадда Грузия ташқи ишлар вазири Гела Бежушвили Озарбайжонга ташриф буюрди. Давид Гарежи обидасига олтинчи асрнинг биринчи ярмида асос солинган. У Тбилисидан 60 километр жануби-шарқда — Озарбайжон ҳудудида жойлашган. X-XIII асрларда ушбу обидани бошқа ибодатхоналар ҳам қурилган ва бу обидалар мукаммал меъморий маҳмуа кўринишини касб этган.

ТЕНГЕНИНГ РАМЗИ ЯРАТИЛМОҚДА



Қозоғистон Миллий банки мамлакатнинг миллий валютаси — тенгенинг рамзини яратиш учун танлов эълон қилди. Бу ҳақда «Казинформ» хабар тарқатди.

Банкирларнинг фикрича, Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва 50 та рақобатбардош мамлакатлар қаторига чиқиб олиш учун республика валютаси рамзга эга бўлиши керак. Худди шундай рамз Россияда ҳам яратилмоқда. Шу йил июнда Россия президенти В.Путин Россия рублининг рамзини яратиб, тасдиқлаш мажбуриятини Россия Марказий банк зиммасига юклаб, бу борадаги федерал қонунга имзо чеккан. Ҳозиргача рублнинг 100 дан ортиқ рамзи яратилган, аммо уларнинг бирортаси ҳам расмий тасдиқланмади.

Таъкидлаш лозимки, шу йил майда Беларусия Миллий банки беларус рублининг график рамзини тасдиқлаган. Унда «В» ва «Г» лотин ҳарфлари акс этган. Бу «Белорусия рубли» маъносини беради.

Куйидаги хабар ҳам Қозоғистон ҳаёти билан боғлиқ. «Reuters» ахборот агентлигининг маълум қилишича, республика Ички ишлар вазирлиги мамлакат парламентида янги қонун лойиҳасини тақдим этди. Унда гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятларга қарши қатъий чоралар кўриш, ҳатто олий жазога тортиш масалалари назарда тутилган.

Ички ишлар вазири Бауржон Мухамеджоновнинг айтишича, бугунги кунда гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланганларга ўртача уч йил қамқоқ жазоси қўлланади. Бундай «уршоқ» жазо эса гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг «урчишига» сабаб бўлмоқда.

Эслатиб ўтамиз: Қозоғистонда ўлим жазосига мораторий эълон қилинган ва у бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Олий жазога ҳукм қилинганлар умрбод қамқоқ жазоси билан алмаштирилади. ИИВ маълумотларига кўра, йил бошидан бери полиция хизматчилари 20 тоннадан ортиқ гиёҳванд модда (шундан 140 килоси героин)ни мусодарга этиб, йўқ қилган. Вазирлик яна шундай маълумотларга эгаки, «нарқобарон»лар Афғонистонда тайёрланган героиннинг учдан бир қисми (500 тонна атрофида)ни Россия ва Европага айнан Қозоғистон орқали олиб ўтишга тайёргарлик кўрмоқда.

Яна шунини таъкидлаш керакики, шу гиёҳванд моддаларнинг камида 10 фоизи ноқонуний йўллар билан Қозоғистонда қолади. Бундан ташқари мамлакат жанубидаги Чуй водийсида яширин марихуана майдонлари ҳам бор.

● **Жиноятга жазо муқаррар**

БЕНЗИНФУРУШЛАР

ёки ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг қўлбола «сотувчи»лари хусусида



Халқимизда «Ўзимдан чиққан балога, қайга борай даъвога?», деган ибратли нақл бор. Рост, ўзиндан чиқиб, юрт мулкани талон-торож қилишса, чидаб бўлмас экан. Айниқса, узокни яқин, оғирингни енгил қилишга асқотадиган нефть маҳсулотлари, ёнилғи-мойлаш воситаларини ўзлаштириб олмаган кимсаларни ким деб аташга ҳайронсан. Бир литр бензинсиз «тез ёрдам» машинаси, ёхуд бир литр дизел ёнилғисиз бўлмасда ўт ўчириш машинаси жойидан кўзгалмайди. Бу оғир бир бемор касалхонага вақтида етиб боролмайди, ўт балоси бартараф этилмайди, деганидир.

Ақбар Фаниев айна кирчилган ёшда. Бирок хуфя ишларга, тийини сўм қилишга муқассадан кетганлардан. У 750 литр бензинни байриқонуний йўллар билан Навоий шаҳридаги гўмашталари билан келишиб, пулламоқчи бўлганда қўлга тушиб қолди. Пана-насткамда иш кўрувчи Ҳулом Носиров эса Пахтачи туманида истиқомат қилади. Ўзининг «Форд» русумли автомашинаси билан 200 литрлик темир идишларда 2000 литр нефть маҳсулотини Зарафшоннинг Самарқанд йўли бўйлаб олиб кетаётганда йўл-патрул хизмати ходимлари томонидан тўхтатилди. Ундан бензиннинг ҳужжатлари сўралганда, ер чизиб қолди...

Ақмал Қалқоновнинг шахсий юк машинаси бор, топар-турари ҳам бийонидек. Афсуски, бу кимса ҳам халқ ҳўжалик юкларини ташиб, элнинг дуосини олиш ўрнига, нефть маҳсулотини ва ноёб қора металл ўғирлиги билан шуғулланиб юрган. У Навбахор йўл-патрул масканидан ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатилганда нақд 600 литр нефть, 1 тонна қора металл олиб кетаётганлиги аниқланди.

Бу каби хурмача қилиқлар қаторига яна Равшан Нутфуллаевни ҳам қўшиш

мумкин. У ҳам ёнилғи-мойлаш ва газ конденсати билан байриқонуний шуғулланувчилардан бири. Яқинда унинг ҳам миси чиқди. Қонимех тумани «Моимичи» кўрғонидан бу товламачининг шахсий «ГАЗ-53» русумли давлат белгиси 20Р6027 бўлган машинаси тўхтатиб текширилганда, унинг цистернасида 5600 литр газ конденсати борлиги аниқланди.

Қонимех — Фиждувон туманлари йўналиши бўйича елиб келаётган «ЗИЛ-131» русумли, давлат белгиси 21А6142 бўлган юк автомашинаси билан ички ишлар хизмати ва патрул хизмати ходимларида шуёха уйғотди. Тўхтатиб текширилганда 1 миллион 600 миң сўмлик ёки 4 тонна дизел ёнилғиси борлиги аниқланди. Қизилтепанинг «Ғардиён»идан бўлган машина бошқарувчиси Ибодулла Пулатов бу «то-вага бирор-бир ҳужжат топиб беролмай, елка қисидан нарига ўтолмади.

Ҳайрон қолсан киши. Ҳар литр бензин ёхуд солярақнинг ўртача харид нархи 400-500 сўм бўлган бир пайтда бу шахслар бунча миқдордаги нефть маҳсулотини қандай қилиб қўлга киритди экан? Қизиқ, нефть маҳсулотлари сабзи-пиез эмас, у бозор қолиб, бунисидан сотсанг. Нега «бензинфурушлар» ҳеч нарсадан ҳайқмай бемалол юришди?

Ростдан ажабланарли, кўпчилигимиз ёнилғи қуйиш шаҳобчаларига навбатда туриб, ҳатто тақчил бўлган пайтларда белгиланган миқдорда машинамизга бензин ёхуд солярақ қуямиз-у, бу «учарлар» бўлса, тонналаб ёнилғи ташийди. Шу ўринда уларга бундай имкониятни ким яратиб бермоқда деган ҳақли савол туғилади...

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

● **Қадрият**

«МЕҲРИБОНЛИК УЙИ»

ЁКИ МЕҲР ОҒУШИДАГИ МАСКАН

2005 йилнинг сентябрь ойида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Қорақалпоғистонга келган пайтда, Хўжайлидаги 1-сон Меҳрибонлик уйида бўлиб, ўқитувчилар, тарбиячилар ва тарбияланувчилар билан узоқ суҳбатлашди.

— Кенг, ёруғ ва замонавий жиҳозланган ётоқхоналар, ўқув ва машқ кабинетлари, нафақат тарбия, балки таълим учун ҳам зарур воситалар — ҳаммаси энди жажжи ўйил-қиларимиз хизматда, — дейди «Меҳрибонлик уйининг маънавий ва маърифат маркази раҳбари Шириной Ғойипова.

— Бундай шинаям ва савоб тўла масканда тарбиячи бўлиб ишлашнинг, демак, тарбияланувчиларнинг барчасига худди ота-онадек меҳрибон бўлиш керак, — деб сўзга қўшилди тарбиячи Тозагул Қурбонниёзова. — Масалан, мен ўзим болалар билан ишлашни ёшилимдан яхши кўраман. Ўтган йили ноябрь ойида «Меҳрибонлик» уйлари Республика кўриктановида II-даражали диплом билан мукофотландим...

Тарбиячи Назира Абдужамилова ҳам ҳамкасби фикрини давом эттириб, бола тарбиясининг нозик томонларига алоҳида эътибор бериш кераклигини, унинг воғга етиб, ўсиб-ўлғайишида тарбиячи моҳир педагог ва психолог ҳам бўлиши шартлигини таъкидлади. Гап орасида у «Меҳрибонлик уйи»нинг собиқ директори Амина Танташевани эслади.

— Опа, — хотирилади у. — Иккинчи жаҳон уруши бошланган йиллари бу ерда директор бўлиб келган. То 1985 йилгача

раҳбарлик қилган. Ҳозир бу ерда ишлаётган кўпчилик тарбиячилар ва ўқитувчилар у кишининг шоғирлариди бўлишди. Амина опа пенсияга кетганидан сўнг «Меҳрибонлик уйи»да анчагача «барқарор» раҳбар бўлмади. Улар тез-тез алмаша-верди. Оқибатда, маскан фаолиятида ҳа деганда деярли ўзгариш сезилмади... Ниҳоят, «ким раҳбар бўлиши мумкин?» — деган савол кўндалан бўлиб турганда, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Хўжайли тумани ҳокимиятининг диҳат-этибори тажрибали педагог, яхши ташкилотчи Светлана Михайловна Сонга қелиб тўхтади.

— Демак, Светлана Михайловна бу ерда анчадан буён ишларкан-да, — сўзини бўлдиқ унинг.

— Ҳа, Светлана опа 1973 йил Самарқанд давлат университетини тамомлаб, иш фаолиятини тўғри Хўжайлидаги республика болалар «Меҳрибонлик уйи»да тарбиячиликдан бошлаган...

Ҳозир мазкур тарбия масканида 140 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. 28 нафар тарбиячи, унинг воғга етиб, ўсиб-ўлғайишида тарбиячи моҳир педагог ва психолог ҳам бўлиши шартлигини таъкидлади. Гап орасида у «Меҳрибонлик уйи»нинг собиқ директори Амина Танташевани эслади.

— Опа, — хотирилади у. — Иккинчи жаҳон уруши бошланган йиллари бу ерда директор бўлиб келган. То 1985 йилгача

раҳбарлик қилган. Ҳозир бу ерда ишлаётган кўпчилик тарбиячилар ва ўқитувчилар у кишининг шоғирлариди бўлишди. Амина опа пенсияга кетганидан сўнг «Меҳрибонлик уйи»да анчагача «барқарор» раҳбар бўлмади. Улар тез-тез алмаша-верди. Оқибатда, маскан фаолиятида ҳа деганда деярли ўзгариш сезилмади... Ниҳоят, «ким раҳбар бўлиши мумкин?» — деган савол кўндалан бўлиб турганда, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Хўжайли тумани ҳокимиятининг диҳат-этибори тажрибали педагог, яхши ташкилотчи Светлана Михайловна Сонга қелиб тўхтади.

— Демак, Светлана Михайловна бу ерда анчадан буён ишларкан-да, — сўзини бўлдиқ унинг.

— Ҳа, Светлана опа 1973 йил Самарқанд давлат университетини тамомлаб, иш фаолиятини тўғри Хўжайлидаги республика болалар «Меҳрибонлик уйи»да тарбиячиликдан бошлаган...

Ҳозир мазкур тарбия масканида 140 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. 28 нафар тарбиячи, унинг воғга етиб, ўсиб-ўлғайишида тарбиячи моҳир педагог ва психолог ҳам бўлиши шартлигини таъкидлади. Гап орасида у «Меҳрибонлик уйи»нинг собиқ директори Амина Танташевани эслади.

— Опа, — хотирилади у. — Иккинчи жаҳон уруши бошланган йиллари бу ерда директор бўлиб келган. То 1985 йилгача

раҳбарлик қилган. Ҳозир бу ерда ишлаётган кўпчилик тарбиячилар ва ўқитувчилар у кишининг шоғирлариди бўлишди. Амина опа пенсияга кетганидан сўнг «Меҳрибонлик уйи»да анчагача «барқарор» раҳбар бўлмади. Улар тез-тез алмаша-верди. Оқибатда, маскан фаолиятида ҳа деганда деярли ўзгариш сезилмади... Ниҳоят, «ким раҳбар бўлиши мумкин?» — деган савол кўндалан бўлиб турганда, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Хўжайли тумани ҳокимиятининг диҳат-этибори тажрибали педагог, яхши ташкилотчи Светлана Михайловна Сонга қелиб тўхтади.

— Демак, Светлана Михайловна бу ерда анчадан буён ишларкан-да, — сўзини бўлдиқ унинг.

— Ҳа, Светлана опа 1973 йил Самарқанд давлат университетини тамомлаб, иш фаолиятини тўғри Хўжайлидаги республика болалар «Меҳрибонлик уйи»да тарбиячиликдан бошлаган...

Ҳозир мазкур тарбия масканида 140 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. 28 нафар тарбиячи, унинг воғга етиб, ўсиб-ўлғайишида тарбиячи моҳир педагог ва психолог ҳам бўлиши шартлигини таъкидлади. Гап орасида у «Меҳрибонлик уйи»нинг собиқ директори Амина Танташевани эслади.

— Опа, — хотирилади у. — Иккинчи жаҳон уруши бошланган йиллари бу ерда директор бўлиб келган. То 1985 йилгача



● Холат, таҳлил, мулоҳаза

ОИЛА ВА НИКОХ

МУНОСАБАТЛАРИ МУҚАДДАСДИР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никох томонларнинг ихтиёрли розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади» дейилган. Албатта, оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор оила ҳаёт абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак наслар қандай инсон бўлиб етиштишига бевоқифа таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги эканини яна бир бор таъкидлашимиз даркор.

Конунчилигимизга биноан хотин билан эр баб-баравар шахсий ва мулкий ҳуқуқларга эга ҳамда мажбуриятлари ҳам тенг ҳисобланади. 1998 йил 1 сентябрдан амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси оилани мустақамлаш, оналик, оталик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиш бўйича конституциявий нормаларга асосланган. Оилани мустақамлаш, янги ихтиёмий-иқтисодий шароитларда оила аъзоларининг манфаатларини қўриқлаш, воқеа етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини ҳимоялашнинг устуңлигини назарда тутиш унинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддаси талабига кўра, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар судда эр ёки хотиннинг аризасига биноан қўрилиши ва суд эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат бериши кўрсатилган бўлиб, амалиётда тарафларга ярашиш учун муҳлат берилмоқда ва аксарият ҳолларда оилаларнинг сақлаб қолишига эришилмоқда.

Судда кўрилатган оилавий низоларни таҳлил қилсак, кўпинча оддий сабаблар оилаларнинг бузилиб кетишига олиб келадиганлигини кўриб ачинаиб кетасан. Айниқса, қайнона-келин ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлиги охири-оқибат оилани барбод қилаётганлигини афсус билан қайд этиш лозим.

Шу йил 13 июнь куни фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судида никоҳни бекор қилиш ҳақида бир иш кўрилди. Суд томонидан муҳлат, тушунтириш берилишига қарамадан эр икки томон — эр ҳам, хотин ҳам оилани сақлаб қолишни хоҳламади. Судда ҳар иккала томон оилавий жанжаллар қайнона билан келиннинг чиқиши олмаганлигидан бошланганини таъкидлаб, никоҳни бекор қилишни талаб қилишди.

Афсуски, оилаларнинг ана шундай оддий сабаблар туфайли бузилиш ҳоллари кўпайиб учраб турибди.

Жорий йил 12 январда фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судида кўрилган ишда эр-хотиннинг оила бузилишига кўрсатган сабаблари, агар вақтида маҳалла кайвонилари тушунтириш ишларини олиб борганда, ажралишга чинариб етмас эди. Эр кўп ичоди. Ичса келиб жанжал кўтарди, ҳақорат қилди. Хотин ҳам жонидан ўтиб, қаргайди. Хуллас, бора-бора икки томон душман даражасига етди. Шунгача кўниқўшни, маҳалла феоллари қани дейсиз?

Суд ярашишга муҳлат берди. Оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Лекин бўлмади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини, никоҳдан ажратиш учун қўйи-

лаётган асосларни, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини ҳар томонлама текширишга мажбур. Судлар оиланинг барбод бўлиши сабабларини аниқлаб, эр-хотиннинг нолойиқ хатти-ҳаракати ҳамда оиланинг барбод бўлишига сабаби бўлган бошқа шахслар устидан алоҳида акримлар чиқариши, тарбиявий ҳаракатга эга бўлган чоралар кўриши, оилавий келишмовчиликларни ечишга ёрдам бериш учун ажрим нусхаларини ўларнинг иш, ўқиш ёки яшаш жойларидаги хотин-қизлар кўмиталарига юбориши мумкин.

Оилага вақтинчалик келишмовчилик, тасодиқий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан низолар, шунингдек, жиддий асосларга эга бўлмаган сабаблар ёки эр-хотиндан бирининг хоҳламлиги никоҳни бекор қилиш учун етарли асос бўла олмади. Эр-хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқлиги, яъни, оиланинг тамомила барбод бўлганлиги аниқланганина, суд никоҳдан ажратиш ҳақидаги талабни қаноатлантиришга ҳақли.

Оила — муқаддас. Уни асраб қолиш янада муқаддас иш. Оилаларни, айниқса, ёш оилаларни мустақам қилиш учун жойлардаги яраштирув комиссиялари, хотин-қизлар кўмиталари, фуқаролар йиғини ўзаро ҳамкорликда иш олиб борса мақсадга мувофиқ бўлади, ажралишлар бўлмади, деб ўйлаймиз.

Дилшод НОСИРОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди судьяси

ЯНА БИР ТУРДАН СЎНГ

футбол бўйича мамлакат XV миллий чемпионати олий лига жамоалари мусобақаларни якунлашади



Чемпионатнинг йигирма тўққизинчи турида кутилмаган натижа деярли қайд этилмади. Мавсум тугашига икки тур қолганида ўз тарихида еттинчи мартаба Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган пахтакорчилар Бекободнинг «Металлург» жамоасини қабул қилди. Ушбу ўйинда жадвалнинг куйи поғоналарида бораятган бекободликлардан кўпчилик ҳужумкор ўйин кутишганди. Аммо ўтган турда Фарғонада дурангга (1:1) эришган «Пахтакор» футболчилари рақиблари дарвозасига жавобсиз олти тўп йўллаб, чемпионликка муносиб эканликларини яна бир қарра исботлаб қўйди.

Кумуш медаль учун даъвогар бўлган Каршининг «Насаф» жамоаси «Нефтчи» футболчиларининг Андижонда очко йўқотишидан умидвор эди. Бироқ «Андижон-ЎзДЭУавто» устидан кичик 0:1 ҳисобида зафар қўчган фарғоналиклар асосий таъқибчиси умидини пучга чиқарди. Мазкур турда «Насаф» жамоаси Зафар Холмуродов томонидан киритилган ягона тўп эвазига «Самарқанд-Д» футболчиларини енгди — 1:0.

Турнинг бошқа учрашувларида куйидаги натижалар қайд қилинди: «Локомотив» — «Тўпаланг» — 2:2, «Бухоро» — «Шўртан» — 1:2, «Сўғдиёна-2004» — «Трактор» — 4:3, «Қизилқум-Олтин» — «Навбахор-Н» — 3:0, «Хоразм» — «Машъал» — 2:4.

Мавсум аутсайдери «Хоразм» футболчиларининг олий лигани тарк этиши аллақачон маълум бўлган. Иккинчи омадсиз жамоа номи эса охириги тур баҳсларидан сўнг аниқланади.

8 ноябрь куни уюштирилган 30-тур ўйинларида куйидаги жамоалар ўзаро баҳс юритишади: «Шўртан» — «Тўпаланг», «Трактор» — «Локомотив», «Нефтчи» — «Сўғдиёна», «Металлург» — «Андижон», «Самарқанд-Д» — «Пахтакор», «Навбахор-Н» — «Насаф», «Машъал» — «Қизилқум-Олтин», «Бухоро» — «Хоразм».

29-турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	29	25	2	2	84-10	77
2. «Нефтчи»	29	22	2	5	58-23	68
3. «Насаф»	29	21	4	4	60-31	67
4. «Машъал»	29	18	6	5	48-25	60
5. «Трактор»	29	15	4	10	51-45	49
6. «Қизилқум-О»	29	13	6	10	48-35	45
7. «Навбахор-Н»	29	13	5	11	44-32	44
8. «Самарқанд-Д»	29	11	4	14	37-39	37
9. «Андижон-ЎзДЭУ»	29	10	5	14	46-49	35
10. «Локомотив»	29	9	8	12	38-55	35
11. «Бухоро»	29	8	7	14	30-34	31
12. «Тўпаланг»	29	9	4	16	39-52	31
13. «Шўртан»	29	9	2	18	37-54	29
14. «Металлург»	29	6	7	16	33-45	25
15. «Сўғдиёна-2004»	29	7	3	19	23-46	24
16. «Хоразм»	29	0	3	26	21-122	3



ГУРУХ ФОЛИБЛАРИ АНИҚ

Оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўзбек футбол фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб «Sport» ва «O'zbekiston futbol» газеталари соврини учун мини футбол бўйича уюштирилаётган

турнир ҳал қилувчи паллага кирди. Мусобаканинг «С» гуруҳида иштирок этган тахриратимизнинг «Ўзбекистон овози» жамоаси сўнгги турда «Ватанпарвар» газетаси вакиллари билан куч

3:1 ҳисобида олдинга чиқиб олган ҳамкасбларимиз сўнгги дақиқаларда ташаббусни рақибларига бериб қўйди. Натижада бундан унумли фойдаланган ватанпарварчилар майдонни галаба билан тарк этишди — 3:4. Гуруҳнинг иккинчи учрашуви-

● Спорт

да «Шарк» НМАК футболчилари «Садо» жамоасидан йирик 3:0 ҳисобида устун келди. Шундай қилиб, гуруҳ баҳсларини муваффақиятли якунлаган «Ўзбекистон футбол» ҳамда «Садо» футболчилари чорак финалга йўлланма олишди. Туртинчи турнинг қолган ўйинлари эса қуйидагича якунланди: «А» гуруҳи. ЎзДЖТУ — ЎзТВ — 1:3, «Ўзбекистон» НМИУ — «Халқ сўзи» — 1:4. «Б» гуруҳи. «Туркистон» — «Туркистон-пресс» — 12:2, «Хонадон» — «Янги аср авлоди» — 4:3. «Д» гуруҳи. «Тошкент ҳақиқати» — «Еш куч» — 1:6, «XXI аср» — «Ишонч» — 1:2.

Энди кўрага кўра, бугун бўладиган чорак финал учрашувларида куйидаги жамоалар майдонга тушади: «Маърифат» — «Садо», МТРК — «Ишонч», ЎзТВ — «Ўзбекистон футбол», «Хонадон» — «Наврўз» FM.

Эркин ХОЛБОБО
Суратда: мусобақадан лавҳа.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

ООО «KRCEL-M» Мирабадского района г.Ташкента уменьшает Уставной фонд с 61 138 648 сум до 33 000 000 сум.
Телефон: 191-59-22.

ООО ASP «Stil-XXI» сообщает об увеличении Уставного фонда с 69 369 022 по 82 149 022 сум.
Претензии принимаются по телефону: 173-61-33.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ГАЗЕТАСИ

«Корея Хурсандман» — Корея Республикасида ўзбек тилида чоп этила бошлаган газета ана шундай номланади. Жанубий Кореядаги шу номли фирма томонидан таъсис этилган нашр ушбу мамлакатдаги юртимиз фуқароларини Ўзбекистонда рўй бераётган энг асосий сиёсий, иқтисодий ва маданий янгиликлардан бохабар этишни мақсад қилган.

Айни пайтга келиб газетанинг иккита сони босмадан чиқди. Улардан мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй берган воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги хабар ва мақолалар жой олган. Газетхонлар эътиборига, Ўзбекистонда фаолият бошлаган Россиянинг «Билайн» уяли алоқа компанияси, Ўзбекистон — Жанубий Корея Тараққиёт банкининг очилиши, «ICT Экспресс-2006» биринчи Миллий ахборот технологиялари кўргазмаси ҳамда «AutoMotorShow-2006» халқаро кўргазмаси тўғрисидаги маълумотлар ҳавола этилган.

Газетадаги «Ҳидоят», деб номланган махсус рўнқ остида эса ўзбек халқ мақоллари ва шеърлари чоп этилган. Бундан ташқари, спорт ва маданият янгиликлари, халқаро майдонда кечаётган воқеалар ҳам нашр муаллифларининг эътиборидан четда қолмаган.

«Корея Хурсандман» газетасини ҳафтада бир марта нашр этиш режалаштирилмоқда.

«Жаҳон» АА
Сейл

Давлат Мулки Кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурдаги «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси

2006 йилнинг 5, 12, 15, 19, 22, 26, 29 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказилади.

Савдоларга Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Талабалар шаҳарчасида жойлашган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

- 1987 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AG 043 бўлган «ГАЗ СА3-3507» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 1 500 000 сўм.
- 1980 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AG 041 бўлган «Икарус-255» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 14 000 000 сўм.
- 1980 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AG 042 бўлган «Икарус-255» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 14 000 000 сўм.
- 1978 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AN 879 бўлган «ПАЗ-672» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 1 541 673 сўм.

- 1988 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AG 045 бўлган «ПАЗ-672» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 1 892 842 сўм.
- 1990 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 90-15 ТНБ бўлган «Кавз-3270» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 1 756 859 сўм.
- 1980 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AN 877 бўлган «Раф-2203» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 851 900 сўм.
- 1985 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 45-29 ТНБ бўлган «Урал-43203» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 1 316 946 сўм.
- 1981 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 00-53 ТНН бўлган «УАЗ-452» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 1 000 000 сўм.
- 1981 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AQ 212 бўлган

- «УАЗ-452 Д» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 800 000 сўм.
- 1986 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 93-09 ТНЛ бўлган «ГАЗ-52-04» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 1 500 000 сўм.

Савдоларга қатнашиш истасини билдирган талабдорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридagi закат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотeka-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхта-тилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади. Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моваро-уннахр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Мурожаат учун телефон: 133-23-40. Гувоҳнома № 000815.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Наманган вилояти ҳоқимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Наманган вилояти, Наманган шаҳрида вилоят прокуратураси учун қўшимча бино (конференц зал)ни тайёр ҳолда қуриш

Объектнинг ҳисобланган бошланғич нархи ҚҚС билан — 286 946 400 сўм. Қурилишни якунлаш муддати — 2007 йил 2-чорак. Буюртмачи: Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳоқимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси. Телефон: (8-3692) 26-63-03, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳоқимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компаниясига ажратилган бюджет маблағи ҳисобидан молиялаштирилади. Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мувахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин. Телефон/факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.

Танлов ҳужжатлари битта тўпلامининг нархи — 50 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 59-уй.

Қурилиш ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИЛИШИ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йилда Фарғона вилоятида қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларга қайтадан очиқ танлов эълон қилади

Объектлар номи:
1. «Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги 720/100 ўринли академик лицей (калит билан)». Бошланғич нархи: 2406,3 млн. сўм. Қурилиш муддати: 2007 йил 1 август
2. «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри Қирғули мавзесидаги 720/100 ўринли академик лицей (калит билан)». Бошланғич нархи: 2717,4 млн. сўм. Қурилиш муддати: 2007 йил 1 август

Қурилиш ишларини молиялаштириш Академик лицейлар қурилиши республика инжиниринг компаниясига ажратилган маблағ ҳисобидан молиялаштирилади. Малакани олдиндан аниқлаш танлов савдоларида иштирок этиш учун талабдорларга қуйидаги малака талаблари қўйилади:

- ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари, ва иш (хизматлар)ни бажариш учун зарур мувахассисларга эгаллиги;
- фуқаролик-ҳуқуқий қобилиятга ва шартнома тузиш ваколатига;
- шундай танлов предмети объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- ўз кучи билан илгари бажарган ишлари ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши ва танлов предмети объектида ўз кучи билан бажаришга режалаштирилаётган ишлар ҳажми (фоиз ҳисобида);

2004-2006 йилларда ўз кучи билан 1 млрд. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарганлик;

- қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулк хатлаб қўйилган талабдорлар, таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнаш, ҳолдинг шаклида ва бошқа шаклларида ифодаланган бир-бири билан бевоқифа ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотлар саралаш танлов тартибига қўйилмади.

Малакавий саралаш танловларида қатнашиш учун буюртмалар ва тайёрланган ҳужжатлар Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда, соат 9.00 дан 18.00 гача, оферталар очилиши кунига қабул қилинади.

Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси 2-«а» уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76. 1 пакет ҳужжатлар нархи — 10 000 сўм. Танловдан ўтган ташкилотлар учун 1 пакет ҳужжатларнинг бир тўплами қиймати — 50 000 сўм.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида ўттиз кундан кейин, Фарғона вилояти ҳоқимлигининг мажислар залида ўтказилади.

Изоҳ: 2007 йил манзиллий рўйхат тасдиқлангандан сўнг унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asiliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Baxtiyor DO'SJONOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul OSTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Nomoz SA'DULLAYEV
Akbar JONUZOQOV
Mushliddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

<